O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 27 MART ◆ SESHANBA ◆ № 40 (26.742)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 март куни Оқсаройда Туркия Буюк миллат мажлиси раиси Умар Изгини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, қардош турк халқи билан дўстлик ришталари мустаҳкамланиб бораётганидан мамнуният билдирди.

— Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларда бизни биринчилар қаторида биродарларча қўллаб-қувватлаган давлат Туркия эди, — деди Президент. — Буни халқимиз ҳеч қачон унутмайди. Ўзбек ва турк халқларини нафақат бугунги дўстона ёки савдо-иқтисодий алоқалар, балки қадимий тарихий ришталар боғлаб туради. Ўйлайманки, ташрифингиз ўзаро алоқаларимиз янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади.

Икки давлат ўртасидаги савдо-сотиқ, иқтисодиёт, мудофаа ва хавфсизлик, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, алоқа, фан-техника, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларидаги ҳамкорлик тобора ривож топиб бораётганини таъкидламоқ керак. Сўнгги пайтда икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми нисбатан камайган бўлса-да, Ўзбекистондан Туркияга экспорт ҳажми сезиларли даражада ортди. Жумладан, 1997 йилда Ўзбекистоннинг экспорти ўзаро савдонинг 21,0 фоизини ташкил қилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 99,4 фоизгача кўтарилган.

Мамлакатимизда қатор турк фирма ва компаниялари фаол иш юритмоқда. Турк сармояси иштирокида тузилган «Паппфен», «Кохис», «Шарқ-Мир Лтд» каби компаниялар фаолияти эътиборга молик. Шунингдек, 1999 йили Самарқандда ишга тушган «СамКочАвто» қўшма корхонасини ҳам мисол сифатида келтириш мумкин. Айни пайтда, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида 27 турк фирма ва компаниясининг ваколатхонаси рўйхатдан ўтган.

Туркия Буюк миллат мажлиси 1920 йили ташкил этилган. Мамлакатда бир палаталик парламент фаолият юритади. Умар Изги 2000 йил октябрь ойида унинг раиси этиб сайланган.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Туркия муносабатлари ҳақида сўзлар экан, икки мамлакат парламентларининг ўзаро алоқалари ҳукуматлараро муносабатларнинг ривожига ҳам муҳим ҳисса бўлиб қўшилишини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда икки томонлама муносабатларга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

■ (ЎзА)

***

Суратда: қабул пайти.

■ Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат

ТОШКЕНТДА ТЎХТАБ ЎТДИ

Шу йил 26 март куни Украина Президентининг рафиқаси Л. Н. Кучма раҳбарлигидаги Украина делегацияси Корея Республикасига кета туриб Тошкентда тўхтаб ўтди. Республикамизда қисқа муддат бўлиши чоғида Л. Н. Кучма Ўзбекистон Республикаси Президентининг рафиқаси Т. А. Каримова ҳамроҳлигида Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамда Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини бориб кўрди.

Шу куннинг ўзида делегация Сеулга учиб кетди.

■ «ЖАҲОН» АА

ХАЛҚАРО СОВРИН СОҲИБИ

Андижон шаҳридаги «Эталон» заводи халқаро саралаш қўмитаси ҳамда дунёга таниқли компаниялар экспертларининг хулосасига кўра сифат ва технология учун бериладиган халқаро Европа Арки мукофоти совриндори бўлди. Мадрид шаҳридан келган билдирувнома шундай хушхабардан дарак берди.

Бу мижозу ҳамкорларга сифатли хизмат кўрсатиб, уларнинг ишончи қозонилганлигининг тасдиғи, замонавий технологиянинг ривожи бўлди.

■ Аҳмадулло СОЛИЕВ

ЭҲТИРОМ

Эртага Муқимий номли мусиқали драма театрида Ўзбекистон халқ артисти марҳум Ҳабиба Охунова хотирасига бағишланган кеча ўтказилади. Унда Ўзбекистон халқ артистлари Камолиддин Раҳимов, Замира Суюнова, Матлуба Дадабоевалар, халқимизнинг севимли санъаткорлари, хонандалари, мақомчилар ансамбли иштирок этадилар. Тошкентда бошланиб 30 март куни севимли санъаткор учун қадрли бўлган Наманган шаҳрида давом этадиган ушбу хотира кечасига Асат Пирманов бош режиссёрлик қилмоқда.

Маданий тадбирлар санъаткорларга эҳтиромимиз тимсолидир.

■ Гулруҳ ХОЛИҚОВА

МЕНИНГ 10 ЙИЛЛИГИМ

БУ КУНЛАРНИНГ ҚАДРИ БЎЛАКЧА

Мамажон ҲАМРОЕВ,
Олтинкўл туманидаги «Намуна» жамоа хўжалиги раиси:

Ёшим 73 да. Ақлимни танибманки, даладаман. 1969 йил 3 март куни жамоа хўжалигига раис қилиб тайинлашди. Ўша йили жуда кўп қор ёққан, март ойи бўлишига қарамай даладан ҳалиям ғўзапоялар йиғиб олинмаган эди. Пахтадан бор-йўғи 17 центнердан ҳосил олинган.

Ўшандан буёнги раислик фаолиятимда кўп қийинчиликлар кўрдим. Кечалари соат 2-3 ларгача далада қолиб кетардик, тонг отгунча пахта топширган пайтларимиз кўп бўлган. Бир амаллаб йўлларни тузатдик, мактаб, боғча, ферма қурдик.

Очиғини айтсам, қанча чиранмайлик ҳосилдорликни 34-37 центнердан оширолмадик. 1995 йили плёнка остига пахта экиш биздан бошланди. Бир гектар майдонга Сиёсатхон Абдуллаеванинг бригадасига синаш учун чигит экдик. Яхши ҳосил олдик— 53 центнер. 2000 йилда деярли 90 фоиз ер майдонимизда плёнка остига чигит экдик. Хуллас, ҳосилдорликни 43-44,5 центнерга етказиб олдик. Пахтанинг сифати ҳам кўтарилди, юқори навларга сотдик. Даромад ҳам яхши бўлди. 2000 йилда 16 кунда, яъни 5 сентябрда йиллик режани уддаладик.

Тўғри, дастлабки йилларда плёнка остига пахта экиш бизга ҳам осон бўлмади. Тажрибамиз йўқлиги учун анча қийналдик. Ҳамма нарсанинг малҳами вақт экан. Бу меҳнатнинг сирини яхшилаб ўргандик. Эндиликда одамларимиз учун плёнка остида пахта етиштириш осонгина бўлиб қолди. Ахир ҳар қандай роҳатнинг тагида жиндек бўлсаям заҳмати бўлади-да!

Жамоа хўжалигимизда 3700 оила, 18 минг аҳоли яшайди. Деярли 80 фоиз хонадонларимиз ўз шахсий машиналарига эга, десам ёлғон бўлмайди. Шўро даврида биз уйма-уй юриб одамларни пахтага ҳайдардик. Кунига шунчадан пахта теришинг шарт деб мажбурлардик. Кексани кекса, болани бола демай қор тушгунча ҳаммани пахта тердирардик. Ҳозир минг шукрлар бўлсинки, бунақа даҳмазалар йўқ.

Мен ҳозир режа бажарилгунча бирор бригада бошлиғини чақириб сўроқ-савол қилмайман. Бир-биримизнинг асабларимизни эговлашдан фойда йўқ. Ким 40 центнердан кам пахта берса, ишдан кетади. Чунки паст натижа билан меҳнаткашларимизнинг эҳтиёжини қондириш мушкул.

Ҳаммомларимизни жуда чиройли қилиб таъмирлаб қўйганмиз, ҳаммаси ишлаяпти. 20 та қассобхона, 12 та сартарошхона, 17 та тегирмонимиз бор. Қисқаси, халқимиз онгли равишда ишлаб роҳатиниям ўзлари кўришяпти.

Хўжалигимизнинг давлатдан ҳам, ташкилотлардан ҳам бир сўм қарзи йўқ. Аксинча, пахта заводдан оладиган 33 миллион пулимиз бор. Омборимизда 200 тонна буғдойимиз турибди. Одамларимизнинг кўнгли ҳам, қорни ҳам, кўзи ҳам тўқ. Ҳаммаси астойдил, виждонан ишлайди.

Қолаверса, кўп нарса раҳбарга ҳам боғлиқ. Агар у эл-юрт фаровонлигини ўйласа, халқ ҳеч қачон унинг юзини ерга қаратмайди.

Мустақил бўлганимизга энди ўн йил бўлади. XXI асрда қишлоқ хўжалиги ривожланиши шарт. Чунки халқни шулар боқадида! Демак, улар ҳар қанча эъзоз ва ҳурматга муносибдир.

ЯНГИ ИЗЛАРДАН МАНЗИЛЛАРГА

Тўрткўл туманида Наврўз айёминнинг бошланишида қўш шодиёналар нишонланди.

Янги қурилган Учқудуқ-Мискин-Султонваистоғ темир йўлидан дастлабки йўловчи поездининг юриши байрамга айланди.

«Нукус-Тўрткўл» йўналишидаги йўловчи поезди биринчи қатновни амалга оширди. Дастлабки қатнов йўловчилари орасида эса эъзозли меҳмонлар, «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси вакиллари, фахрийлар бор эди. Уларнинг иштироки Тўрткўлдаги Наврўз тантаналарига алоҳида шукуҳ бағишлади.

Энди жанубий туманлар аҳолиси республика марказига қатнашда қулай ва арзон транспорт воситасидан ҳар куни фойдаланиш имконига эга бўлдилар.

■ Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири

«ЗАКОВАТ» ЗЕҲН КЎПРИГИ БЎЛСИН

Болалигимизда мактабда ўтказилган «Ўткир зеҳнлилар» мушояраларини кўп эслайман. Негаки, инсон табиатан баҳс ва мунозараларга ўч бўлади. Бироқ тортишувларда сохталик, сунъийлик сезилса, киши ҳазм қилолмайди.

Телевидениедаги айрим: «Сирли сандиқ», «Ўйла, изла, топ», «Олтин тож», «Мўъжизалар майдончаси» каби кўрсатувлардаги ўта тақлидчилик, жўнлик малол келади томошабинга.

Куни кеча Ўзбекистон телевидениесининг «Ёшлар» канали намойиш этган «Заковат» кўрсатувини мазза қилиб томоша қилдим ва беихтиёр қувониб кетдим. Кўрсатув иштирокчиларининг табиий изланишлари, ўзларини эркин тутишлари, саволга мантиқан томошабинлар гувоҳлигида жавоб қидиришлари, саволларнинг серқирралилиги жуда ёқди. Таҳминларга таяниб айтилган жавобларнинг кутилмаганда тўғри чиқиб қолиши ҳаяжонимизга ҳаяжон қўшди.

Юртимизда иқтидорли ёшлар жуда кўп. Ҳамма гап уларни кашф қилишда, элга танитишда.

Одатда, шоирларнинг илк китоблари, газета ва журналларнинг нишона сонлари ниҳоятда муваффақиятли чиқади. Ҳатто янги очилган ошхоналарда дастлабки кунлари пиширилган таомлар ҳам ғоят мазали бўлади. Ниятимиз «Заковат» кундан-кунга оролансин. Эл назарига тушсин. Фақат бизнинг эмас, ҳамманинг севимли кўрсатуви бўлиб қолсин.

Янги — «Заковат» интеллектуал кўрсатуви билимдон йигит-қизларга қанот ва илҳом бағишлайди, деган умиддамиз.

■ Замира ЭГАМБЕРДИЕВА

УЛУҒБЕК НОМИ БЕРИЛДИ

Мирзачўлдаги Мирзо Улуғбек номидаги мактаб ўқувчилари ҳам кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида фаол қатнашишмоқда. Қишлоқ чеккасидаги қаровсиз ярим гектарлик майдонни оталиққа олиб, мевали-манзарали ниҳоллар ўтказишди. Кўчатларни авайлаб-асраш мақсадида боғ атрофига манзарали буталар экишди. Бўлажак боққа Мирзо Улуғбек номи берилди.

■ Исмадиёр СУЯРОВ

НАВРЎЗ ҚУТЛОВИ

Аброр Ҳидоятов номли ўзбек давлат драма театрида Наврўзга бағишлаб, Собир Раҳимов ва Шайхонтоҳур тумани ХДП аъзолари, партия фахрийлари иштирокида анжуман бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Шайхонтоҳур тумани партия кенгаши котиби Ҳайдар Бобохонов, Собир Раҳимов тумани партия кенгаши котиби Аваз Саидовлар барча қатнашчиларни Наврўз байрами билан қутладилар.

Фаол ХДП аъзоларига, партия фахрийларига Тошкент шаҳар кенгаши ва ҳар иккала туман партия кенгашларининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

Тадбир сўнгида театр санъаткорлари томонидан болгар ёзувчиси Степан Костев асари асосида яратилган «Аёллар салтанати» спектакли намойиш қилинди.

■ Сулаймон ҲАЙДАР

МАТБААЧИЛАР БАЙРАМИ

Истиқлол ўзбек матбаачилигида ҳам янги солномани бошлаб берди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган қисқа даврда полиграфия саноати жаҳоний андозаларга мослашди, замонавий ускуналар билан жиҳозланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида Наврўз байрами кенг нишонланди. Компания бош директори Бобур Алимов матбаа ишчи ва хизматчиларини байрам билан табриклаб, соҳада узоқ йиллар ишлаган меҳнат фахрийларига қимматбаҳо совғалар тарқатди.

2 мингдан зиёд ишчи ва хизматчи ҳамда меҳмонларга байрам дастурхони ёзилиб, ош тортилди. Эл севган санъаткорлар байрамга ўзгача шукуҳ киритдилар.

■ Шарофат ХУРРАМОВА

ШИФОКОР ОГОҲЛАНТИРАДИ

ОҚСИМ ХАВФИ ОСТОНАДА

Ҳозирги пайтга келиб жаҳоннинг кўп мамлакатлари, жумладан, Англия, Молдова ва республикамизга қўшни давлатларда оқсим касаллиги бўйича носоғлом вазиятнинг вужудга келиши ушбу касалликнинг республикамиз ҳудудига чорва моллари ва уларнинг маҳсулотлари орқали кириб келиш хавфини туғдирмоқда. Бу ҳол ушбу хасталик бўйича ҳушёрликнинг оширилишини тақозо этади.

Оқсим касаллигини, ҳатто фильтрдан ҳам ўтувчи, майда, фақат махсус мослама ёрдамидагина кўриш мумкин бўлган вируслар чақиради. Ҳозирги кунга келиб оқсим касаллигини чақирувчи вирусларнинг 8 та серологик турлари, ҳар бир турнинг эса яна кўплаб вариантлари мавжудлиги аниқланган бўлиб, улар бир вақтнинг ўзида ҳам чорва ҳайвонлари, ҳам одамлар орасида касаллик келтириб чиқариши мумкин. Хасталик бемор тана ҳароратининг кўтарилиши, умумий заҳарланиш ҳамда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ва панжа терисининг жароҳатланиши билан характерланади. Оқсим хасталиги билан одамлар камдан-кам касалланадилар. Охирги 30 йил мобайнида республикамизда одамлар орасида оқсим касаллиги расмий қайд этилмаган.

Аҳоли учун жуфт туёқли уй ҳайвонлари, айниқса, йирик шохли ҳайвонлар ҳамда қўй, эчки, чўчқа ва баъзан туялар касаллик манбаи бўлиб ҳисобланадилар. Касаллик чақирувчи вируслар бемор ҳайвонларнинг сути, нажаси, пешоби ва сўлаги орқали хасталикнинг бутун даври (10-15 кун) мобайнида ажралиб чиқади. Айрим ҳолларда касалланган ҳайвондан тузалгандан сўнг ҳам 2 ойгача оқсим вируси ажралиб чиқиши мумкин. Ҳайвонлар ўртасида оқсим касаллиги ем-хашак ҳамда ифлосланган сувни биргаликда истеъмол қилишлари натижасида сув орқали ҳам тарқалади.

Оқсим вируси ҳайвон жуни ва ифлосланган тупроқда 1 ойгача, янги соғилган сутда 5 кунгача, гўштда 2 кунгача, емхашакларда эса бир неча ойгача сақланиши мумкин. 85 даражада 30 минут, қайнатилса 5 дақиқада ҳалок бўлади. Вируслар соғлом одамга оғизнинг шиллиқ пардалари ва касалланган уй ҳайвонларини боқиш, парвариш қилиш пайтида жароҳатланган тери орқали ўтади. Хасталик асосан вируслар билан ифлосланган озиқ-овқат маҳсулотлари ёки қўл воситасида оғизнинг шиллиқ пардаси орқали соғлом одам организмига киради. Касаллик одамдан одамга юқмайди.

Оқсим вируси киши организмига тушгандан сўнг қон орқали бутун организмга тарқалади ва оғизнинг шиллиқ пардаси ва панжа ораси терисига ўрнашиб олади. Вируснинг қон орқали тарқалиш даврида тана ҳароратининг кўтарилиши ва умумий заҳарланиш белгилари намоён бўлади. Хасталик ўткир бошланади, тана ҳарорати 40 даражагача кўтарилади ва 5-6 кунгача тушмайди, мушакларда оғриқ пайдо бўлади.

Соғлом организмга оқсим вируси тушгандан сўнг хасталикнинг биринчи белгилари пайдо бўлгунга қадар 2-12 кун вақт ўтади. Тезда умумий заҳарланиш белгиларига шиллиқ пардаларнинг шикастланиш белгилари қўшилади: оғиз бўшлиғида қизиш, сўлак оқиши, кўзнинг қизариши кузатилади, беморда ютиш, гапириш ва сийдик ажралиши қийинлашади. Оғиз бўшлиғининг шиллиқ қаватида, тилда, танглайда, баъзан эса бурунинг шиллиқ қаватида лойқасимон суюқликли майда пуфакчалар пайдо бўлади. Бир кун ўтгандан сўнг бу пуфакчалар ярага айланади.

Болаларда қусиш, ич кетиши ҳоллари бўлиши мумкин. Айрим беморлар терисига, айниқса, қўл ва оёқ панжалари, тизза терисида, оғиз атрофида тошмалар пайдо бўлади. Тошмаларнинг тошиши бир ҳафтагача давом этиши мумкин. Баъзи тошмалар қайтадан пайдо бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳолда хасталик бир неча ой, баъзан бир ярим йилгача давом этади.

Оқсим билан касалланган беморлар шифохоналарга ётқизилади. Пенициллин гуруҳига мансуб антибиотиклар яхши наф беради. Оғиз бўшлиғини парвариш қилиш (марганцовка ёки новакаин билан чайиб туриш) муҳим аҳамиятга эга. Яраларга кортикостероидли малҳам суриш лозим. Кўзни борат кислотасининг 2%ли эритмаси билан ювиб туриш ва 15-30% сулфацил ёки 1% картизон эмулсияси томизилади. Беморга витаминлар, оғриқни камайтирувчи ва антигистаминли дорилар бериш мақсадга мувофиқдир. Касаллик ўчоғида дезинфекция тадбирлари ўтказилади.

Оқсимнинг олдини олиш касаллик манбаини тезда топиб уни зарарсизлантиришдан иборат. Уй ҳайвонларини оқсимдан муҳофаза қилиш учун уларни эмлаш, касалланган ҳайвонлардан алоҳида сақлаш ва дезинфекция тадбирларини амалга ошириш лозим. Бемор ҳайвонларга қараш учун ёш болаларни ҳамда ҳомиладор аёлларни жалб қилиш мумкин эмас.

Оқсим касаллиги тарқалган ҳудудлардаги ҳайвонларнинг сутини қабул қилиш учун алоҳида пунктлар ташкил этиш керак ва у ерда оқсим билан касалланган моллардан олинган сутни 5 минут давомида қайнатиш ёки 85 даражада 30 минут давомида қиздириш лозим. Оқсим билан касалланган ҳайвонларнинг гўштини фақат пиширилган ҳолдагина истеъмолга чиқариш мумкин. Бунинг учун уларни алоҳида қушхоналарда сўйиш тавсия этилади. Оқсим касаллигидан нобуд бўлган ҳайвонлар териси махсус дезинфекция қилинади.

Унутмаслик лозим, оқсим касаллигига қарши курашда ҳамма мутасадди ташкилотлар ва фуқароларнинг қатнашиши ўтказилаётган тадбирларнинг самарадорлигини оширади. Ҳар биримизнинг соғлигимиз ўзимизга боғлиқ.

■ Б. МАТКАРИМОВ, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология назорати департаменти бошлиғи муовини, тиббиёт фанлари доктори, профессор

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 27 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */*

1 Австралия доллари	167,22
1 Австрия шиллинги	22,01
1 Англия фунт стерлинги	484,99
10 Бельгия франки	75,08
1 Голландия гульдени	137,44
10 Греция драхмаси	8,89
1 Дания кронаси	40,59
1 БАА дирхами	92,56
1 АҚШ доллари	339,94
1 Миср фунти	87,50
10 Испания песети	18,20
100 Италия лираси	15,64
1 Канада доллари	217,41
1 Хитой юани	41,07
10 Люксембург франки	75,08
1 Малайзия ринггити	89,46
1 Германия маркаси	154,86
1 Польша злотийси	82,25
1 СДР	431,38
1000 Туркия лираси	0,35
1 Финляндия маркаси	50,94
1 Франция франки	46,17
1 Швейцария франки	197,82
1 ЕВРО	302,89
10 Жанубий Корея вони	2,59
10 Япония иенаси	27,51
1 Россия рубли	11,82
1 Украина гривнаси	62,74

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

Андижон вилоят партия кенгашида, ХДПдан халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайланган депутатлар гуруҳлари раислари, туман, шаҳар партия кенгашлари биринчи котиблари иштирокида, семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши котиби А. Рустамов, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларида фаолият кўрсатаётган депутатлик гуруҳлари ишини ташкил этиш масалалари тўғрисида, маъруза қилди. Очиқ мулоқот тарзида ўтган ушбу тадбирда, депутатлар гуруҳлари фаолиятини янада жонлантириш юзасидан, фикр алмашилди.

Худди шундай семинар-кенгашлар ХДП Наманган, Самарқанд ва Сирдарё вилоят партия кенгашларида ҳам бўлиб ўтди.

* * *

Янгибозор туман партия кенгаши, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази туман бўлими билан ҳамкорликда, «Авесто»нинг 2700 йиллигига бағишланган, «Авесто» — мангу тафаккур» мавзуида, амалий анжуман ўтказди.

Ушбу, партия фаоллари, тумандаги ўқув юртлари тарих ўқитувчилари иштирок этган, тадбирда, Янгибозор саноат касб-ҳунар коллежи «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари, ХДП бошланғич ташкилоти котиби Хосият Юсупованинг «Авесто» — мангу тафаккур», «Олтин мерос» жамғармаси туман бўлими раҳбари Матёқуб Шержоновнинг «Авесто» китобида ахлоқ ва одоб масалалари», 1-мактаб ўқитувчиси Раъно Холмуротованинг «Авесто»да диний қадриятлар» мавзуларидаги, маърузалари тингланди.

* * *

Гурлан туман партия кенгаши, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ХДП депутатлар гуруҳи фаоллигини ошириш мақсадида, халқ ноиблари иштирокидаги, тарғибот-ташвиқот гуруҳларини тузди. У, шунингдек, депутатлар қабулхоналари ишини йўлга қўйиб, уларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил қилмоқда.

Олий Мажлис депутати А.Рўзметов қабулхонасида, шу кунгача, 18 та фуқаро қабул қилинди. Билдирилган таклиф ва илтимосларнинг кўпчилиги бажарилди. Депутат ёрдами билан, туман марказидаги, Жалолиддин Мангуберди номли мактаб тўла таъмирланди ва жиҳозланди, 2 нафар ногирон болага тиббий жарроҳлик ёрдами кўрсатилишига кўмаклашилди.

Партиядан сайланган депутатлар ўзлари сайланган ҳудудларда, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда, жонбозлик кўрсатмоқдалар. Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари — туман Агросаноат мажмуаси касаба уюшмаси кўмитаси раиси Сапарбой Собиров, «Амударё» ширкат хўжалиги бригада бошлиғи Абдирим Раҳимовларнинг фаолияти анча самарали бўлмоқда.

Гурлан туман ҳокимлиги, ХДП туман кенгаши, «Маҳалла», «Камолот», «Соғлом авлод учун» жамғармаларининг туман бўлимлари, хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш бўлими ҳамкорлигида, «Она ва бола» Давлат дастурини бажариш бўйича, ибратли ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда, медицина ходимлари билан биргаликда, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида, ҳар бир хонадоннинг оилавий шароитлари ўрганилмоқда ва оилаларга медицина хизмати кўрсатилмоқда, ногирон болалар аниқланиб, керакли тиббий муолажалар қилинмоқда. Бўлажак ёш оналар ўртасида, «Оила дорилфунуни» мутахассислари томонидан, мунтазам равишда, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Туман мактаблари, лицей, коллеж ва касб-ҳунар мактабларида, ёшларни оила ва ҳаётга тайёрлаш мақсадида, мунтазам учрашув ва суҳбатлар уюштирилмоқда. Бу борада, яқинда ташкил этилган, «Қизлар клуби» фаолияти диққатга сазовордир. Меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда, «Оналар соғлиги — фарзандлар бахти», «Фарзандлар камоли — оналар бахти» мавзуларида, кечалар ўтказилмоқда. Айниқса, И. Холметов номли ширкат хўжалигида ва туман маданият уйида бўлиб ўтган учрашувлар диққатга сазовор бўлди. Нуроний онахонлар ёш келинчакларга ўзларининг фойдали насиҳатларини бердилар, тиббиёт ходимларининг, бола тарбиясига оид, чиқишлари кўпчиликка манзур бўлди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Элликқалъа туман кенгаши ҳамда «Экосан» экология ва саломатлик халқаро жамғармаси туман бўлими фаоллари томонидан, 2001 йил давомида, атроф-муҳитни муҳофазалаш, ҳашарлар уюштириш, экологик тарғиботни олиб бориш бўйича, ҳамкорликда, бажариладиган вазифалар белгилаб олинди ҳамда тегишли амалий ишлар бошлаб юборилди.

Мамлакатимиз раҳбари И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини жойларда ўрганишни ташкил этиш тўғрисидаги Фармойишини бажаришни ташкил этиш мақсадида, ЎзХДП Элликқалъа туман кенгашида, туман «Маҳалла», «Камолот» жамғармалари, «Маънавият ва маърифат» маркази бўлими фаоллари иштирокида, мажлис бўлиб ўтди.

Ушбу, ХДП туман кенгаши ташаббуси билан ўтказилган, тадбирда, Конституциямизни ўрганишни юқори савияда ташкил этиш юзасидан, ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар режаси белгилаб олинди.

Шу куниёқ, тумандаги 24-ҳунар-техника билим юртида, Конституцияни ўрганишга доир, учрашув бўлиб ўтди. Унда «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими раҳбари Х. Машарипов, нотариус Р. Ражапова, ХДП туман кенгаши биринчи котиби Ш. Кенжаевлар, Асосий Қонунимизни тушунтириш юзасидан, чиқишлар қилдилар ҳамда ёшларнинг саволларига жавоб бердилар.

* * *

ЎзХДП Тахтакўпир туман кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда, партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг «Оналар ва болалар» йилидаги вазифалари каби, масалалар муҳокама қилинди.

Пленумда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Е. Сейтназаров, Олий Мажлис депутати А. Адилов иштирок этдилар ва сўзга чиқдилар.

Партия фаоллари, Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан, ҳар бир оила ўн тупдан дарахт ўтқазсин, деган ташаббусни кўтариб чиқиш ҳамда туман аҳолиси ўртасида ушбу ишни ташкил қилиш хусусида келишиб олдилар.

* * *

Мамлакатимиз Президенти И. Каримовнинг, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги, Фармойишига асосан, ЎзХДП Боғдод туман кенгаши ташаббуси билан, ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари, корхона, ташкилот, ўқув даргоҳлари ва маҳаллаларда, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирда, 41 та маҳалла фуқаролар йиғини ва 52 та умумтаълим мактабларида, сиёсий тўгараклар ташкил этилиб, уларда ўқув ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, «Қароқчитол», «Тинчлик», «Самарқанд», «Чувалачи» фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги мактабларда бўлиб ўтган машғулотлар сермазмун бўлди.

* * *

ХДП Олтиариқ туман кенгаши, «Оналар ва болалар йили» муносабати билан, тумандаги 27-болалар боғчаси тарбияланувчилари ўртасида, «Эркин сўзлашиш ва фикрлаш» тадбирини ўтказди. Тадбир қатнашчиларига, Наврўз байрами муносабати билан, партия кенгашининг эсдалик совғалари берилди. Шунингдек, ХДПга кирган 5 нафар боғча ходимига партия билетлари топширилди.

* * *

Тошлоқ туман партия кенгаши ташаббуси билан, тумандаги 9-мактабда, юқори синфлар ўқувчи қизлари ва шифокорларнинг учрашуви ташкил этилди. Унда, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати, туман Марказий шифохонаси бош врачи ўринбосари А. Мамажонов, жарроҳ М. Умаров, акушер-гинекологлар Ш. Мирзакаримова ва Н. Раҳимовалар, ёш қизлар гигиенаси ва турмуш масалалари юзасидан, фойдали маслаҳатлар бердилар.

* * *

ХДП Избоскан туман кенгаши, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Олтин мерос» жамғармаси туман бўлимлари, халқ таълими ҳамда маданият бўлимлари ҳамкорлигида, «Оилада фарзандлар тарбиясида оналарнинг ўрни» мавзуидаги, савол-жавоб кечасини уюштирди. Бундан буён, бундай тадбирларни, ҳар ҳафтанинг сешанба кунида, меҳнат ва ўқув жамоалари, маҳаллаларда, биргаликда, ўтказишга келишиб олинди.

* * *

Меҳр-мурувват айёми — Наврўз байрами арафасида, ХДП Пахтаобод туман кенгаши ҳамда Бўстон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамкорлигида, кам таъминланган оилалар фарзандларининг никоҳ ҳамда суннат тўйлари ўтказиб берилди.

* * *

Бектемир туман партия кенгаши, Наврўз байрами муносабати билан, «Криди» — болаликдан ногиронларни реабилитация қилиш клубида, хайрия тадбирини ўтказди.

Шунингдек, ногиронлар, ёлғиз қариялар ҳамда кам таъминланган партия фахрийларига озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

* * *

Ҳамза туман партия кенгаши, «Тошмаргаринёғ» акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда, 103-мактаб-интернатда, хайрия тадбирини ўтказди. Тадбир якунида, ўқув даргоҳига ва болаларга, ҳомийларнинг совғалари топширилди.

* * *

ЎзХДП Оҳангарон шаҳар кенгаши, байрам арафасида, «Она ва бола» Давлат дастурининг бажарилишида партия фаолларининг ўрни» мавзуидаги, «давра суҳбати»ни ўтказди. Шундан сўнг, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ойида, шаҳарда ўтказиладиган, «Энг кўркам маҳалла» кўрик-танлови ғолибларига, шаҳар партия кенгаши томонидан, бериладиган совринлар аниқлаб олинди.

* * *

Ангрен шаҳар партия кенгаши, туман марказий кутубхонаси маъмурияти билан ҳамкорликда, «Энг яхши оила» кўрик-танловини ўтказди. Танловнинг якунловчи босқичида 9 та маҳалла жамоалари қатнашдилар. 3 та ғолиб жамоалар, шаҳар партия кенгаши томонидан, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

* * *

ЎзХДП Урганч шаҳар партия кенгаши, ҳарбий қисмда, «Сумалак сайли», деб номланган, маданий-маърифий тадбирни ўтказди.

Унда Хоразм вилоят партия кенгаши биринчи котиби Ғайрат Машарипов, миллий қадриятларимиз, Наврўз байрами тарихи ва аҳамияти тўғрисида, сўзлади. Санъаткорларнинг шўх куй-қўшиқ ва жозибали рақслари унга ўзгача файз бағишлади. Хизматда ўрнак кўрсатаётган аскарларга эсдалик совғалари топширилди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ЁШ АВЛОДГА БАРЧА МАСЪУЛ

Республикамиз ички ишлар органлари ходимлари ҳар доим вояга етмаган ёшлар тарбияси билан шуғулланиб келишган. Ички ишлар органларида бўлиб ўтаётган ислоҳотлар натижасида вояга етмаган ёшлар томонидан жиноят содир этишнинг олдини олиш билан шуғулланиб келган хизматнинг расмий номи профилактика нозири деб алмаштирилгани муносабати билан бу хизмат таркибига эндиликда участка нозири, ёшлар тарбияси билан шуғулланувчи нозирлар, жиноятнинг олдини олиш хизмати нозирлари, жиноят қидирув хизмати ходимлари, паспорт хизмати ходимлари ва оддий таркиб ходимлари киради.

Демак, ёшлар томонидан жиноят содир этишнинг олдини олиш ишлари билан эндиликда бир нечта хизмат вакилларидан ташкил топган профилактика нозирлари шуғулланадилар. Ушбу хизматга тайинланган ходимларнинг ёши 20 дан 35 гача бўлиб, олий маълумотли, аксарият кўпчилиги махсус юридик маълумотга эга бўлганлардан иборат.

Улар фаолияти қишлоқ, посёлка, туман, шаҳар ва марказларда жойлашган боғчалар, болалар тарбияси билан шуғулланувчи уйлар, муассасалар, мактаблар, лицейлар, коллежлар, ўрта таълим махсус ўқув юртларида, маҳаллий ҳокимликлар, ўз-ўзини бошқариш идоралари ва кенг жамоатчилик ёрдамида ёшларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишга, ҳуқуқий билимларини изчиллик билан оширишга амалий ёрдам бериш, улар ўртасида жиноятнинг олдини олиш, турли норасмий оқимлар ва гуруҳларга кириб кетишининг олдини олиш, ўқитувчи-мураббийларнинг таълим, тарбиявий, маънавий, маърифий ва маданий ишларига яқиндан ёрдам беришга қаратилган.

Шу ўринда соғлом авлодни тарбиялаш учун яна қуйидаги ишлар амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўларди:

Президент Ислом Каримовнинг асарларини қунт билан ўрганиш, ўрганилган асарлар юзасидан суҳбатлар ўтказиб, зарур ҳолларда радио тўлқинлари, зангори экран орқали ёритилиб борилса;

боғчадан тортиб юқорида зикр этилган муассасаларнинг барчасида ёшига, соғлигига, иқтидорига ва мавжуд жисмоний имкониятларига кўра, спортнинг барча турларини ташкил қилиш, ёшларнинг иштирок этишини таъминлаш, назорат қилиш, мунтазам ривожланишига амалий ёрдам бериб борилса;

ёшлар тарбияси билан боғлиқ бўлган масалалар ҳар чорак якунида маҳалла қўмиталарида, ҳокимликлар ҳузуридаги комиссияларда тегишли масъул хизматчилари қаторида профилактика нозири ҳам тингланса, унинг таклиф ва истаклари инобатга олиниб, унга амалий ёрдам бериб борилса;

ҳуқуқий мавзуларда ҳуқуқ-тартибот идораларининг раҳбарлари, мутахассислари билан учрашувлар, суҳбатлар, савол-жавоблар, ёшлар ўртасида мавжуд кўнгилсиз воқеалар, содир этилган жиноятлар, тергов, суд жараёни ҳақида видео кўрсатувлар ташкил этилиб, ёшларнинг фикри, таклиф ва истаклари тингланса ва улар келгуси тадбирларга киритилиб борилса;

ёшлар онгига қонун устуворлигини сингдириш, бу бизнинг уйимиз, бизнинг ҳовлимиз эканини уқтириб бориш, Ватанга содиқлик руҳини шакллантириш, ҳар қандай норасмий гуруҳларнинг фаолияти ўта хавфли экани ҳақида огоҳлантириш, ҳушёрликни оширишга даъват этиш.

Профилактика нозирлари қиладиган ишларнинг сонини яна давом эттириш, таклифлар бериш мумкин, лекин ҳамма гап буларнинг сўзсиз бажарилишидадир.

Юртбошимиз 2001 йилни «Оналар ва болалар йили» деб атаган эканлар, демак, республикамиз ички ишлар органларининг ходимлари ўз зиммаларига олинган вазифаларни бу йилда ва бундан кейин ҳам бекаму кўст бажариш учун ўзларининг имкониятларини тўлиқ сафарбар этаверадилар, деб умид билдирамиз.

■ **Сайфиддин ЗАЙНИТДИНОВ, ИИВ Академияси профессори, Абдурашид ШОДИЕВ, милиция полковниги**

ИМКОНИЯТ ҚИРРАЛАРИ

1996 йилда 382-ихтисослашган кўчма жамланма Наманган шаҳар ҳокимлиги томонидан «Намангантехнолог» очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилди. Унинг хизмат кўрсатиш доираси ҳам кенгайтирилди. Ҳиссадорлик жамияти 1999 йилда 70 киши билан фаолият кўрсатган бўлса, эндиликда улар сони 409 кишига етди. Бошқача қилиб айтганда, 1999 йил давомида 38 миллион сўмлик иш бажарилган бўлса, ўтган йил мобайнида 710 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

— Бундай ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ, — дейди акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Нурилло Холбоев. — Ҳиссадорлик жамияти томонидан ўнлаб улкан иншоотлар бунёд этилаётганининг ўзи ҳам фикримизнинг далилидир.



СУРАТЛАРДА: *1. «Намангантехнолог» томонидан яқинда бунёд этилган транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежининг умумий кўриниши. 2. Коллежнинг очилиш маросимига ташриф. 3. «Намангантехнолог» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Нурилло Холбоев.*

■ **Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар**

МОЖАРО

ёхуд 30 ёшли куёв билан 70 ёшли келин ҳақида замонавий машмаша

Бедананинг уйи йўқ, қайга борса питбилдиқ деганларидек, 30 ёшга кириб бир жойда қўним топмаган Нурбек Топволдиевнинг (исм-фамилиялари ўзгартирилган) шу юриш-туриши бўлса умрининг охиригача ҳам «Ёз келса сарой соламан» деган хомхаёл билан ўтиб кетажагига ақли етиб қолди-ю, эсининг борида этагини ёпиш ҳаракатига тушди. Уй солай деса пули йўқ, хотин олиш учун ҳам... пул керак. Хуллас, ўйлана-ўйлана юрган кунлари эди, лоп этиб 70 ёшли Сарви хола билан танишиб қолди. Ёшига нисбатан кампир-у, лекин пардоз-андози жойида. Устига-устак «Жигули» машинаси бор. Энг муҳими, ҳайҳотдек ҳовлида ёлғиз ўзи яшайди. Қизлари уйли-жойли бўлиб, чиқиб кетган...

Нурбекка Сарвинисо кампирнинг айнан мана шу жиҳатлари жуда ёқиб қолди. Мундоқ дўппини олиб қўйиб ўйласа, Сарвинисо кампир деганининг турган-битгани бойлик экан. Қонуний хотин қилиб олса борми, ўша машина, ўша ҳовли-жой, пуллар ўзиники бўлади!..

Сарви кампирни «илинтириш» қийин бўлмади. Икки-уч бор учрашуви севги изҳор қилиш билан иш битди-қўйди. Сарви кампир ўзини Нурбекка «бахшида қилди».

Кейинги воқеалар жуда тез ривожланди. ЗАГСга ариза берилди, никоҳдан ўтилди. Қарабсизки, Нурбек билан Сарви кампир эр-хотин бўлди-қолди. Шундан кейин Нурбек кенг уйнинг хўжайинига айланди. Егани олдида, емагани ортида. Чўнтаги тўла пул. Бироқ... битта муаммо чиқиб қолди. Сарви кампир тушмагур «06» «Жигули»ю, уй-жойни қизларига аллақачон хатлаб қўйган экан. Нурбек жинни бўп қолаёзди. Аммо ўзини босди. Хотини Сарви кампирнинг ўтидан кириб кулидан чиқди. Хуллас, эритди. Сарви кампирнинг қизи Зуҳрахонга васият билан қолдираётган уй-жойини бекор қилдиришга кўндирди. Сарви кампир ноилож эди. Кутилмаганда эр-хотин нотариусга боришиб васиятномани бекор қилдиришни талаб этишганда, у ҳайрон қолди. Дарҳақиқат, ҳайратланарлигина эмас, шубҳали ҳам эди. Шу боисдан нотариус васиятномани тўлатўкис бекор қилмади...

Сарви кампир никоҳдан сўнг олти ойдан кейин вафот этди. Ҳамма машмаша шундан кейин бошланди. Нурбек Сарви кампирнинг қизларини ҳовли-жойга тамомила йўлатмай қўйди. Ёш ўгай отанинг қинғирликларидан хабар топган Зуҳрахон Нурбекни судга берди...

— Прописказиз яшаш мумкин эмас эди, — дейди судда Нурбек. — Сарви хола билан ЗАГСдан ўтдик. Прописка қилдирдик. Сарви холани ёқтириб қолгандим. Ўзи ҳам рози бўлганди...

— Маҳалла-қўйдан номус қилиб, бир неча бор «Шу ишингизни ташланг» деб илтимос қилдим. Қулоқ солмади. Нурбек дегани билан қонуний никоҳдан ўтиб, яшаётганини эса бир оғиз айтмаганди. Нурбек онамнинг уй-жойи, машинаси, пулларига эга чиқиш учун атайин ғараз мақсадларда уйланган. Унинг мавжуд мол-мулкларида зиғирчаям ҳаққи йўқ, — дейди ёзғириб Зуҳрахон.

Қўқон шаҳар суди юқоридаги фуқаролик ишини кўришда каттагина муаммога рўбарў келди. Ахир қонун бўйича 30 ёшли Нурбек 70 ёшли Сарви кампир билан қонуний никоҳдан ўтган, паспортини уйга рўйхат қилдирган. Демак, уй-жой, бошқа мол-мулкларда қонуний ҳаққи бор. Аммо шу билан бирга, бу масаланинг ахлоқий жиҳати ҳам бор. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 123-моддасига кўра, «Алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф вакили билан ёмон ниятда келишиши таъсирида тузилган битим, шунингдек, фуқаро оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса бундан фойдаланиб қолган битим (асоратли битим) жабрланувчининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас» деб топилиши мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 49-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг «Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақида»ги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисидаги 1998 йил 11 сентябрдаги 22-сонли қарорининг 43-бандига мувофиқ, эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай тузган никоҳ ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Қўқонлик 30 ёшли йигит Нурбек Топволдиевнинг 70 ёшли Сарви кампирга атайин уйланишида эса ғаразли ҳолатлар манаман деб бўй кўрсатиб турибди. Суд бу ҳолатни дарҳол англаб олди ва Нурбек Топволдиев билан марҳума Сарви кампирнинг никоҳини ҳақиқий эмас, деб топди.

Нурбек Топволдиевнинг ғараз ниятдаги уйланиши охир-оқибат ўзини оқламади, аксинча ўз шаънига анчагина маломатларни келтирди. Сарвинисо кампирнинг қизи билан судлашиб, эл-юрт ичида изза бўлди. Ваҳоланки, Нурбек бундай ишга қўл урмаслиги, йигитлик ғурурини поймол қилмаслиги керак эди. Лекин у бундай қилмади. Ойбекнинг «Навоий» романида шундай бир воқеа бор: Ҳиротнинг аслзода аёлларидан бири навқирон, ёш йигитни ёқтириб қолади. Аёл йигитни уйга таклиф этиб зиёфат қилади. Аёлнинг асл мақсадини сезиб қолган йигит орият қилиб Ироққа кетиб юборади. Ишқ ўтида ёнган аёл йигитни ушлатиб келиб, ўғриликда айблаб зиндонбанд қилдиради. Бироқ, бу иш элга ошкор бўлиб, аёлнинг маломати фош бўлиб қолади.

Ҳақиқий йигит пул, мол-дунё учун ҳеч қачон ноўрин ишларга қўл урмайди...

■ **Муродил ФОЗИЛОВ, Фарғона вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси. Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

МИЛЛИЙ ДАСТУР АМАЛДА

XXI АСР КАДРЛАРИ

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, барча соҳаларни, айниқса, иқтисодиётни тубдан ислоҳ этишдек мураккаб жараённи бошидан кечирди. Жумладан, иқтисодиётнинг ажралмас қисми бўлган солиқ тизимини босқичма-босқич ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда солиқ тизимида тузилмалар фаолияти кенгайди, бу эса уларда хизмат қиладиган ходимларнинг ҳар томонлама етук, билим доираси кенг, маънавияти шакланган бўлишини тақозо этмоқда. Табиийки, бу соҳани такомиллаштириш учун аввало малакали кадрларни тайёрлаш биринчи галдаги вазифадир. Республикамизнинг Тошкент, Бухоро ва Фарғона шаҳарларида Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ коллежлари ташкил этилиши бу соҳа ривожида, уни билимли кадрлар билан таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Яқинда биз Тошкентдаги солиқ коллежида бўлиб Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажаришда амалга оширилаётган ибратли ишлар билан

яқиндан танишдик. Шинам, замонавий, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган ўқув-техника қуроллари билан жиҳозланган бу билим даргоҳи 1998 йилда ташкил этилган. Коллежнинг ўқув машғулоти ўтказиладиган қисм биноси, ошхона, ётоқхона, спорт шаҳобчаси, ҳарбий машқлар учун махсус майдонча ва тантанали тадбирлар ўтказиладиган мухташам зал бу ерда таҳсил олаётган 600 нафар талаба хизматида. Ўқув даргоҳи ҳарбийлаштирилган ўрта махсус таълим муассасаси бўлиб, билим олувчилар курсантлар ҳисобланади. Улар «Солиқ ва солиққа тортиш бўйича мутахассис» бўлиш билан бирга «Солиқ хизматининг нозири» ҳамда ҳайдовчилик касбини ҳам эгаллайдилар. Бу ерда курсантларнинг солиқ илми ва амалиётини чуқур эгаллашида қиркдан ортиқ юксак педагогик маҳоратга ҳамда тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчилар самарали меҳнат қилмоқдалар.

Дастлабки кунларданоқ жамоа ишни аввало ўқитишнинг илғор, самарали усул ва услубларини излашдан, янги дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишдан бошладилар. Улар Тошкент давлат иқтисодиёт университети, молия институти, ҳарбийлаштирилган ўқув юртлари билан узвий алоқани йўлга қўйдилар. Шу билан бирга хорижий мамлакатларнинг ҳам бу соҳадаги иш тажрибаларини мукаммал ўрганиб чиқдилар. Айниқса, Германиянинг Ансбах шаҳрида жойлашган солиқ-молия мактабининг дуал — назариёт билан амалиётни бирга олиб бориш усули барчага маъқул келди. Ана шу мақсадлар йўлида бу икки мамлакат солиқ тизими мутахассисларининг ўзаро тажриба алмашинуви йўлга қўйилди. Давлат солиқ қўмитаси ва Германия техника тараққиёти жамияти ўртасидаги ҳамкорлик туфайли «Солиқлар» ўқув қўлланмаси яратилди. Эндиликда ушбу қўлланма орқали солиқ коллежи курсантлари солиқ тизими амалга оширадиган ишлар, бир битимга солинган солиқ тизими турлари, солиқлар назарияси ҳақидаги аниқ маълумотларни олиш имконига эга бўлдилар.

Коллежда фаолият кўрсатаётган устоз-мураббийлар янги дастурлар яратишда илмий изланишлар олиб бордилар. Жумладан, бугунги кунда А. Абдуллаев «Солиқ ҳуқуқи асослари», А. Шодмонқулов «Солиқ ҳисоби ва таҳлили», Л.Очилов, Ҳ. Дадахўжаев «Ҳарбий хизмат тайёргарлиги» каби ўқув қўлланмалари, А. Бобожонов, Т. Акромов, Э. Усмонов, Х.Халилов ва бошқалар ёзган рисолаларнинг чоп этилиши коллеж ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

— Билим даргоҳимизда таълим давлат грантлари асосида бўлиб, ўқиш икки йил ва бир йиллик солиқ идораларида амалий синов ишидан иборат, — дейди коллеж бошлиғи Мухтор Мухторов бизни ўқув хоналари билан таништираркан. — Бу ерда иқтисодий ва махсус фанлар, ижтимоий-гуманитар, ҳуқуқ, ахборотлаштириш ва информатика фанлари ҳамда ҳарбий, жисмоний тарбия кафедралари мавжуд. Ўқув самарадорлигини ошириш учун замонавий компьютерлардан фойдаланилмоқда, чет тилларни мукаммал ўзлаштиришда яқин кўмакчи — иккита лингафон хоналари курсантлар ихтиёрида. Талабаларимизнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний баркамоллигини шакллантиришда ўқув биносида маънавият ва маърифат хонаси, йигирма мингга яқин ўқув ва бадиий адабиётларга эга бўлган кутубхона, қироатхона ишлаб турибди. Унда курсантлар ҳуқуққа оид адабиётлар, қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар, солиққа тегишли дарсликлар, бадиий ҳамда хорижий тилдаги китоблар, газета таҳламларидан фойдаланмоқдалар.

Коллежда маданий-маърифий ишлар ҳам яхши йўлга қўйилган. Ўткир Рауфов бошчилигида ранг-баранг маданий тадбирлар режаси тузилиб, шу асосда таниқли санъаткорлар, сўз усталари , эл севган адабиёт вакиллари билан мароқли учрашувлар, баҳс-мунозаралар, кўрик-танловлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Темурийлар тарихи давлат музейи, Қуролли кучлар жанговар шоншуҳрат музейи, «Хотира» хиёбони ва «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасида зиёратда бўлиб, буюк тарихимизни, халқимизнинг унутилмас жасорати, қаҳрамонликлари солномаларини ўргандилар. Бундан ташқари «Огоҳлик — давр талаби!», «Диний экстремизм ва унга қарши кураш» каби долзарб мавзуларда ўтказилган тадбирларда Тошкентдаги наркология диспансери шифокорлари, ички ишлар бошқармаси ва диний назорат идораларидан вакиллар қатнашдилар, курсантларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Маълумки, давлат солиқ инспекциясида хизмат қилувчилар жисмонан чиниққан, чапдаст, эпчил, зарур ҳолатларда ҳуқуқбузарлар билан олишувга шай туришлари керак. Шу сабабли бу ерда турли хил спорт тўгараклари ишлаб турибди. Бокс, якка кураш, таэкван-до, қўл жангги, стол тенниси, футбол бўйича талабалар республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда биринчиликни қўлга киритдилар.

Қисқаси, коллежнинг барча соҳалар бўйича натижалари чакки эмас. Коллежнинг ташкилотчи, ижодкор ёшлари «Солиқчи» ойлик рўзномаси ва радиоузели орқали таништириб борилмоқда. Буларнинг барчаси яхши самаралар бермоқда.

Янги асрнинг дастлабки йилидан бошлаб коллеж солиқ тизимига биринчи — ёш мутахассис-кадрларини тайёрлаб, йўлланма бера бошлайди. Ўйлаймизки, бу ерда таълим олган етук кадрлар республикамиз солиқ хизмати ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

■ **Умида МАНСУРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири**

***

СУРАТЛАРДА: коллеж фаолиятидан лавҳалар.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**



ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ КЎМАК ЖАМҒАРМАСИ

Олий таълимни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида

олий ўқув юртлари учун

ЎҚУВ КУРСЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА

танлов эълон қилади

Аризалар беришнинг охирги муддати — 2001 йил 10 июнь

Танлов мақсади — республика олий ўқув юртларида ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида, мазмуни ва ўқитиш услуби бўйича инновацион янги ўқув курсларини жорий этиш, шунингдек, янги ўқув дастурларини тарқатиш, республика ва яқин хориж ўқитувчилари ўртасида профессионал алоқаларни ўрнатиш.

Ариза берувчилар бир-икки семестрга мўлжалланган ва келажакда олий ўқув юртларида ўқитилиши мумкин бўлган турли шаклдаги муаллифлик ўқув курсларини ишлаб чиқишга таклиф этиладилар. Танлов ғолибларига эса лойиҳа бўйича харажатларни қоплаш учун (муддати бир йилдан ошмайдиган) грантлар тақдим этилади.

Танловда республика олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, тадқиқот институтларининг илмий ходимлари, олий ўқув юртларида дарс бериш мажбуриятини олган ҳолда иштирок этишлари мумкин.

Аризалар социология, фалсафа, иқтисодий назария, сиёсатшунослик фанлари бўйича берилиши мумкин.

Грантлар Очиқ Жамият Институти Кўмак Жамғармаси томонидан белгиланадиган лойиҳа муаллифига олий ўқув юртида курсни ўқитиш вақтида (кўпи билан 10 ой) ҳар ойлик стипендия тўлашни, шунингдек, қуйидаги моддалар бўйича харажатларни қоплашни кўзда тутади:

- Дарсликларни харид қилиш
- Ўқув материалларини нусхалаш
- Талабалар учун тарқатиладиган курс ўқув материалларини тайёрлаш

Курслар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида ишлаб чиқилиши мумкин. Агар курслар ўзбек ва қорақалпоқ тилларида кўриб чиқиш учун тақдим этилган бўлса, лойиҳа муаллифи томонидан рус тилидаги таржимаси, албатта, илова қилиниши зарур. Лойиҳанинг рус тилидаги матни Баҳолаш Комиссияси иши учун керак.

Тўлиқ бўлмаган ва муддатидан кеч тақдим этилган аризалар кўриб чиқилмайди. Танлов натижалари 2001 йил 1 июль куни эълон этилади. Ариза шаклини олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин:

Тошкент 700031, Зарбоғ кўчаси, 31-уй,
Ўзбекистон Очиқ Жамият Институти Кўмак Жамғармаси.
Телефонлар: (371) 152-36-98, 152-39-15, 152-39-16.
Факс: (371) 120-68-54.

ХОРИЖДА

БЕМИННАТ ХИЗМАТЧИ

Тиниб-тинчимас японлар «Папэро» деб номланган янги робот ихтиро қилди. У уч мингдан зиёд сўзни ёдда сақлаши, буюрилган йўналишда юриши ва қиёфани эслаб қолиши мумкин. Бундан ташқари, робот сиз билан суҳбатлашади, хонангизни тозалаб беради. «НИС» корпорацияси яратган ушбу роботга видеокамера вазифасини бажарувчи кўз, тўртта микрофон ва Интернет билан уланиш имконига эга бўлган компьютер ўрнатилган.

УЛАР АРАЛАШМАГАН ИШ ЙЎҚ

АҚШ марказий разведка бошқармаси кирмаган бирор давлат, аралашмаган бирор йирик сиёсий тадбир йўқ. Ушбу ташкилотнинг яқинда эълон қилинган ҳужжатларидан маълум бўлишича, МРБ 1948 йилда Италияда бўлиб ўтган сайловга жуда катта таъсир кўрсатган экан. Ҳатто унда Халқ фронти ғалаба қилган тақдирда қандай чоралар кўриш белгилаб қўйилганлиги ҳам ошкор қилинди.

КИМНИНГ РЕЙТИНГИ БАЛАНД?

Буюк Британияда мамлакатни кейинги тўқсон йил давомида бошқариб келган бош вазирлар рейтинги эълон қилинди. Унда У.Черчилл биринчи ўринни эгаллади. Ҳукуматнинг амалдаги раҳбари Тони Блэр бешинчи ўринда.

МУЗ ОСТИДА МУЗЛАМАЙДИ

Антарктидада бир километр қалинликдаги муз остидан оқувчи дарё борлиги аниқланди. Қизиғи шундаки, бу дарё ёпиқ кенгликлар бўйлаб айланиб оқади ва умуман музламайди.

ЎЗГАРТИШ КИРИТИЛАДИ

Покистон конституциясига ўзгартиш киритилиши кутилмоқда. Мамлакат ижро ҳукумати раҳбари Парвез Мушаррафнинг фикрича, амалдаги асосий қонун давлат олдида турган кўплаб сиёсий саволларга жавоб бера олмайди.

Киритилиши лозим бўлган ўзгартишлардан биттаси президент ваколатларини оширишдир. Маҳаллий қузатувчилар бу ўзгариш мамлакатда ҳарбийлар мавқеини кўтариш ҳамда сиёсий назоратни уларнинг қўлида тўлиқ сақлаб туришга қаратилган, деб баҳоламоқда.

МАРСГА УЧАДИ

АҚШнинг фазовий кенгликларни тадқиқ этиш агентлиги — НАСА 7 апрель куни Марсга янги сайёраларо станция учирмоқчи. У «Марс одиссей орбитер» деб номланди.

КЕНГАШ ТАРКИБИДА АЁЛ

Туркия тарихида илк бор аёл киши дин ишлари бўйича олий кенгаш таркибига киритилди. Ислом ақидапарастлари бу ҳолни исломни ҳақоратлаш, деб баҳоламоқда.



АВСТРАЛИЯ МАНЗАРАСИ

ТОРТИШУВЛАР ЮЗАГА ЧИҚМОҚДА

2004 йилги олимпиада ўйинлари Афинада бўлиб ўтади. Ҳозирданоқ мамлакатда бу борада турли қарама-қарши фикрларга дуч келинмоқда. Жумладан, йиллар давомида ноёб табиий қўриқхонага айланган қадимий марафон беллашувлари ўтказиладиган майдон ўрнида эшкак эшиш мусобақалари ўтказиладиган иншоот қуриш режаси масаласида турли тортишувлар бормоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРИГА

ТАНЛОВ (КОНКУРС) ЎТКАЗАДИ.

Араб филологияси кафедраси, доцент 1 ўрин; ўқитувчи 2 ўрин.
Жанубий Осиё тиллари кафедраси, доцент 1 ўрин.
Хитой филологияси кафедраси, кафедра мудири 1 ўрин, катта ўқитувчи 1 ўрин.
Эрон-афғон филологияси кафедраси, кафедра мудири 1 ўрин.
Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси, кафедра мудири 1 ўрин, доцент 1 ўрин.
Халқаро муносабатлар, сиёсатшунослик ва ҳуқуқ кафедраси, профессор 1 ўрин, катта ўқитувчи 1 ўрин.
Олий математика ва информатика кафедраси, кафедра мудири 1 ўрин, ўқитувчи 1 ўрин.
Ўзбек тили кафедраси, доцент 1 ўрин.
Инглиз тили кафедраси, катта ўқитувчи 2 ўрин.
Рус тили кафедраси, катта ўқитувчи 1 ўрин.
Жисмоний тарбия кафедраси, катта ўқитувчи 2 ўрин.
Ғарбий Европа тиллари кафедраси, катта ўқитувчи 1 ўрин.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой муддатда топширилиши лозим.

Ҳужжатлар:

1. Ректор номига ариза.
2. Шахсий варақа (фотосурат билан)
3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида аттестат.
4. Илмий ва илмий-услубий ишлар рўйхати.

Тошкент, 700047, Лоҳутий кўчаси, 25. Тел.: 133-44-36.

Сурхондарё вилояти Насос қурилмалари, энергетика ва алоқа бошқармасининг гербли думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 14-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ЖАДВАЛИ

| | | |